

Конья-2021: Турсуной Жабборова мутлақ чемпион!



18:07 / 15.08.2022 2103

Аввал хабар берганимиздек, Туркиянинг Конья шаҳрида V Ислон бирдамлиги ўйинлари давом этмоқда.

Бугун, 15 август куни эндигина 20 ёшга қадам қўйган оғир атлетикачимиз Турсуной Жабборова V Ислон бирдамлиги ўйинларида оғир атлетика бўйича аёллар ўртасида 87 кг вазн тоифасида кечган баҳсларда мутлақ чемпионликни қўлга киритди. Даст кўтаришда 109 кг, силтаб кўтаришда 126 кг, икки курашда 235 кг натижа кўрсатган Турсуной барча йўналишда олтин медалларни ўзиники қилди. Ушбу ғалаба муборак бўлсин, Турсуной!